



“Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalari” elektron ilmiy jurnali

№ 4 (4), oktabr-dekabr, 2021 yil

Ўзбекистон банк тизимида тижорат банклари самарадорлигини оширишда рақамли технологиялар ва уларнинг элементларидан фойдаланиш.

ХАМИДОВ Сардор Рахмонович.
ТДИУ таянч доктаранти



Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси банк тизимида рақамли технологиялар ва уларнинг элементларини кенг қўламда жорий этиш имкониятлари, уларнинг афзалликлари ҳамда уни такомиллаштириш йўналишлари таклиф қилинган.

Калит сўзлар: тижорат банки, рақамли банклар, Big Data (катта маълумотлар), Data basing (маълумотлар базаси), Cloud (булутли технология), CRM (мижозлар билан муносабатларни бошқариш).

Аннотация. В данной статье предлагаются возможности масштабного внедрения цифровых технологий и их элементов в банковскую систему Республики Узбекистан, их преимущества и направления ее совершенствования.

Ключевые слова: коммерческий банк, цифровые банки, Большие данные (Big Data), База данных (Database), Облако (Cloud technology), CRM (Управление Взаимоотношениями с Клиентами).

Annotation. This article offers the possibilities of large-scale introduction of digital technologies and their elements into the banking system of the Republic of Uzbekistan, their advantages and directions for its improvement.

Keywords commercial bank, digital banks, Big data (Big Data), Database (Database), Cloud (Cloud technology), CRM (Customer Relationship Management).

Кириш

Бугунги информацион ахборот технологиялар кенг миқёсда ривожланаётган давр иқтисодиёт, молия, банк ва кредит соқасида бўлаётган мисли кўрилмаган ўзгаришлар замонавий ахборот технологиялари билан ўзаро боғланган. Бунда банк тизими фаолияти глобал информацион ахборот технологиялари таъсири остидаги ўзгаришларга бевосита чамбарчас боғлиқ. Чунки, ривожланган давлатлар рақамли банкларида инновацион банк хизматларини

яратиш, банкнинг турли молия бозорлари ва фонд биржаларидаги фаолияти бўйича маркетинг стратегияларини ривожлантириш, капитал бозори имкониятлари, миллий иқтисодий тизимларнинг асосий ривожланиш тенденциялари, мижозларнинг истак ва хохишларини ўрганиш билан узвий боғлиқликда кечади.

Мамлакатимизда тижорат банклари рақамли технологиялар ва уларнинг элементларидан фойдаланиши мамлакатимиз банкларини трансформация қилиш,

авваламбор, рақамли банкларни ташкил қилишни талаб этса, сўнг эса, амалдаги банклар фаолияти самарадорлигининг ошишига, хизмат сифатининг яхшиланиши ва банк харажатларини қисқартириш имконини беради. Рақамли банкларда банк хизматлари максимал даражада автоматлаштирилади ва банк мижозлари учун ўз-ўзини бошқариш тизимлари яратилади. Рақамли банкингнинг бугунги кун асосий талаби қам рақамли иқтисодийнинг тараққий этиши натижасида банклар филиаллар сонини ошириш йўли билан эмас, балки масофавий банк хизматларини ривожлантириш орқали кўп сонли мижозларига хизмат кўрсатишни талаб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам банк тизимини танқид қилиб, мамлакатимиз "банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада" қолаётганлиги ҳамда 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширила бошланиши ва бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлиши, банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш, банкларни трансформация қилиш, замонавий банк амалиёти, менежменти ва янги хизматларни жорий этилиши алоҳида қайд этиб ўтилди [1].

Асосий қисм. Банклар фаолиятида ўзгаришлар йўлларини белгилаб берувчи рақамли банкнинг инновацион ривожланишининг асосий йўналишларини учта гуруҳга бирлаштирилиши мумкин [2]:

Биринчидан, молия бозорлари глобаллашувини – молиявий хизматларнинг бир турдаги бозорига ўтишини белгилаб беради.

Иккинчидан, миллий молия бозорларини эркинлаштириш ва тартибга солмаслик – банкдан ташқари янги рақобатчилар (янги банк технологияларини етказиб берувчилар Open banking, FinTech, Banking-As-A-Service) нинг пайдо бўлишига хизмат қилади.

Учинчидан, жаҳонда интеграциялашган технологик тизимларига (Интернет) ўтиш – умумий глобал тармоқни шакллантириш имконини беради [4].

АҚШ, Европа, Япония каби ривожланган мамлакатлар банклари фаолиятида Big Data

(катта маълумотлар), Data basing (маълумотлар базаси), Cloud (булутли технология), CRM (мижозлар билан муносабатларни бошқариш), APPI Banking, сунъий интелект каби замонавий банк модели элементларидан фойдаланган ҳолда банклар IT соҳаси билан биргаликда ривожланиб бормоқда.

Big Data (катта маълумотлар) технологияси катта ҳажмдаги таркибланган ва таркибланмаган маълумотларни қайта ишлаш усуллари ва инструментлари мажмуи бўлиб, анъанавий маълумотлар базасини бошқариш тизимига нисбатан муқобил ҳисобланади.

Big Data технологияси тижорат банкларига актив операцияларнинг самарадорлигини таъминлаш ва рискларни бошқариш бўйича аниқ қарорларни қабул қилиш имконини беради. Big Datанинг элементи ҳисобланган ID-карталардан кенг фойдаланиш, банклараро маълумот алмашилиши, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши ва янги банк хизматлари яратилишига туртки бўлмоқда [3].

Замонавий банк амалиётида кенг қўлланилаётган рақамли технология – бу Data basing (маълумотлар базаси) технологиясидир. Data basing технологияси маълум қоидалар асосида маълум кетма-кетликда тузилган блоклардир. Data basing нинг очиқ ва ёпиқ тармоқлари мавжуд бўлиб, очиқ тармоқда иштирокчилар тўлиқ идентификациядан ўтмайди ва тармоқ қоидаларини бошқарувчи юқори бўғин бўлмайди. Data basing нинг ёпиқ тармоғида аъзолик мезонлари белгиланади ва иштирокчи ана шу мезонларга жавоб бергандагина тармоқ хизматидан фойдаланиш имконига эга бўлади.

Cloud technology (булутли технология) – бу фойдаланувчи томонидан тўғридан-тўғри фаол бошқарувисиз компьютер тизимининг ресурслари, хусусан маълумотларни сақлаш (булутли сақлаш), йиғиш ва узатиш ҳисобланади. Одатда бу атама интернет орқали кўплаб фойдаланувчилар учун мавжуд бўлган маълумот марказларини тавсифлаш учун ишлатилади. Бугунги кунда Big clouds (катта булут) кўпинча марказий серверлардан бир нечта жойларда тақсимланадиган функцияларга эга. Агар фойдаланувчига уланиш нисбатан яқин бўлса, у чекка сервер сифатида белгиланиши мумкин. Clouds technology (булутли технология) битта ташкилот билан чегараланиши мумкин

(Corporate cloud-корпоратив булутлар) ёки бир нечта ташкилотларга очиқ бўлиши мумкин (Social cloud-оммавий булут). Булутли технология мувофиқлик ва миқёсни тежашга эришиш учун ресурсларни биргаликда ишлатишга асосланган.

Булутли технология компанияларга ИТ-инфратузилма харажатларининг олдини олиш ёки минималлаштиришга имкон бериб, корхоналарнинг дастурларини тезроқ ишлашга имкон беради, бу эса бошқаришни яхшилайдди ва камроқ техник хизмат кўрсатган ҳолда операцион хатоликларни камайтиради ва бу ИТ-гуруҳларга ўзгарувчан ва кутилмаган талабни қондириш учун ресурсларни тезроқ созлаш ва юбориш имконини беради.

CRM (Customer Relationship Management-мижозлар билан муносабатларни бошқариш) тизими замонавий банк моделида тижорат банки ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни бошқаришнинг замонавий стратегияси ҳисобланади. Ушбу тизими мижозларни жалб қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва мижозларни банкда сақлаб қолишни қамраб олади. CRM тизими мижозларнинг минглаб ҳисобрақамларини фойдалилиги бўйича сегментлаш имконини беради, мижознинг даромади ва харажатлари тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган маълумотларни синчиклаб ўрганиш учун шароит яратади.

Йирик тижорат банклари билан қаттиқ рақобат курашига тушиб қолган кичик ва ўрта банклар, CRM тизимидан фойдаланган ҳолда, ўзларининг молия бозоридаги устунликларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлишади. Айнан, ушбу тизим орқали кичик ва ўрта банклар мижозлар билан бевосита мулоқот ўрнатиш имконига эга бўлишади. Натижада, ушбу банклар мижозларнинг қайси молиявий хизматга бўлган талабини юзага келганлигини, қайси молиявий хизматларга бўлган талабларининг ўзгараётганлигини аниқ баҳолаш имконига эга бўлишади. Одатда, йирик тижорат банкларида ички ахборот тизимлари кичик ва ўрта банкларга қараганда ривожланган бўлади. Шу сабабли, кичик ва ўрта банклар мижозлар билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиш орқали уларнинг ҳолати тўғрисидаги аниқ маълумотларга эга бўлишади.

Хулоса ва таклифлар. Жаҳон амалиётида банклар рақамли технологияларга кўплаб инвестициялар киритмоқда. Бу инвестициялар

банклар илғор технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда мижозлар ва ходимлар учун хизматларни амалга ошириш тизими осонлаштирмоқда.

Мамлакатимизда банкларнинг трансформациялашуви ва рақамли технологиялардан фойдаланишда ҳамда рақамли иқтисодий ривожлантириш, банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, ПҚ-3832-сонли қарорларида ўз ифодасини топган бўлсада, бироқ инновацион ва рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд:

❑ Масофавий банк хизматлари ва интернет банкингдан фойдаланаётганда мижозларнинг тизимдан фойдаланишда етарли билим ва кўникмаларга эга эмаслиги;

❑ Коммуникацион инфраструктурани вилоятларнинг чекка ҳудудларида яхши ривожланмаганлиги;

❑ Халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган рақамли технологиялардан – Big data ва Data basing технологиялари республикамиз банклари амалиётига жорий этилмаганлиги;

❑ Банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўлами ва самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимининг шакллантирилмаганлиги;

❑ Банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётини тартибга солувчи қонунчилик асосининг мавжуд эмаслиги. Банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётини тартибга солувчи қонунчилик асоси бўлмаса, давлат Марказий банк орқали ўзининг назорат функциясини тўлиқ амалга ошира олмайди.

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги таклиф ва тадбирларни амалга оширишимиз лозим:

Биринчидан, Республикамиз тижорат банклари фаолиятига тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида кенг қўлланилаётган рақамли технологиялар ҳисобланган Big data ва Data basing технологияларини жорий эти лозим. Бунда:

Big data технологияси:

мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш аниқлигини ошириш имконини беради;

турли хилдаги ноқонуний операцияларнинг олдини олади;

муваффақиятли маркетинг стратегиясини амалга оширишга хизмат қилади;

масофавий банк хизматларининг сифатини ошириш имконини беради.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини ҳозирги кунда КАТМ томонидан ишлаб чиқилган scoring моделига асосан фақат уларнинг даромадларига қараб аниқлаш етарли эмас. Чунки, уларнинг кредит тўловига лаёқатлилигига ёши, маълумоти, яшаш жойи каби кўплаб омиллар таъсир қилиши мумкин.

Data basing технологиясининг асосий афзалликлари:

хавфсизлик;

номарказлашув;

шаффофик

вақт ва харажатларсиз бажарилиши;

бир зумда ва ишончилиги

юқори баҳоланиши

Иккинчидан, банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётини тартибга солувчи алоҳида қонунчилик асосини яратиш лозим. Ушбу қонунчилик ҳужжати банк тизими орқали амалга ошириладиган рақамли активлар билан боғлиқ бўлган барча операцияларни (пул ўтказмалари, крипто-активлар савдоси, смарт-шартномалар бўйича мажбуриятлар юзасидан тўловлар ва бошқ.) тартибга солишни қамраб олиши керак.

Учинчидан банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўлами ва самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш керак. Ушбу кўрсаткичлар тизими нафақат миқдорий, балки сифат кўрсаткичларини қам қамраб олган бўлиши лозим.

Тўртинчидан, республикамизнинг кичик ва ўрта банклари дастлаб ID карталарни жисмоний ва юридик шахсларна тўлиқ жорий қилиб, CRM тизимидан фойдаланишни йўлга қўйишлари лозим. Бунинг сабаби шундаки, йирик банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилик даражаларининг ошиши келгусида уларга рақобат курашида кучли устунлик беради. Бу эса, кичик ва ўрта банкларнинг молия бозоридаги ўрни сезиларли даражада қисқаришига олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 25 январ, 2020 йил.
2. Пероикевич Х. Банки XXI века // Банковское дело. №10. 1999.-56-57 с.
3. Рақамли иқтисодиёт: Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари ва жаҳон амалиёти. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция тўплами, Тошкент 24.12.2020, Хамидов С.Р. 630-635 бетлар
4. https://en.wikipedia.org/wiki/Cloud_computing
5. Bradford T., Matt Davies, Weiner E. Payment Systems. – Fed. Kansas City, 2003.
6. Юденков Ю.И. Интернет-технологии в банковском бизнесе. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 58.
7. 58.
8. Осиповская А.В., Михайлин А.В. Развитие финансовых технологий в сфере банковских
9. услуг: основные направления//Молодой ученый. – Казан: 2017, №26. – С. 124-127.
10. Тўлов тизими. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).